БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 октябрь Шанба

№ 201 (13.637). Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•

«Ҳосил—90»



Жумҳуриятимизнинг уюлаётган катта хирмонида Қарши қишлоқ хўжалиги техникуми ўқувчиларининг ҳам улушлари борлиги қувонарлидир. Талабалар ўз кучлари билан 50 гектар майдонда ҳосил етиштиришди.

Қишлоқ хўжалигининг бўлажак мутахассислари ҳозирча ихтиёрларидаги майдонларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан биринчи навли хом ашё йиғиштирдилар. Даромадни эса толибларнинг ижтимоий соҳаларига сарф этиш мўлжалланган.

СУРАТДА: техникум хўжалик участкаси директори Суяр Абдуллаев ва муаллим Маҳмадкарим Мейлиев ўқувчилар даврасида.

Ш. ШАРОПОВ.

(ЎзТАГ суратхроникаси).

МУСТАҚИЛЛИК ШАРТ

Ўзбекистон комсомолининг Устави лойиҳаси тўғрисида Беруний ноҳия комсомол қўмитасининг саркотиби Алишер Худойберганов билан фикрлашдик.

— Комсомолларимиз Устав лойиҳасини катта эътибор билан муҳокама қилишди, — дейди Алишер. — Қизиқиш яхши бўлди. Шу қадар кўп таклиф-истаклар бор-ки, қайси бирини айтишни билмайсан. Съездда бир қисми инобатга олинар.

Алишер айтмоқчи таклифлардан бири: **«Вақтинча ишламай ўтирган комсомол аъзоларидан аъзолик бадалларини бошланғич комсомол ташкилоти қарори билан вақтинча ушланмаслиги»** қонунлаштириб қўйилса.

Бир қаралганда таклиф ташкилотга аъзоликнинг асосий вазифаларидан бири «... аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб борадиган» қисмига зид келади. Лекин, жиддийроқ ўйлаб кўрилса, таклиф ўринли. Жуда ўринли. Негаки, жумҳуриятимизда салкам миллион ишсиз бор. Уларнинг аксари ёшлар — комсомол аъзолари. Бир томондан иш тополмаётган, оиласи ғамида ташвишда юрган йигит-қиздан, агар энг кам миқдорда бўлса-да, аъзолик бадали тўлашни талаб қилиш, бу юмшоқ қилиб айтганда ноинсофликдир.

Ишсиздан аъзолик бадали сўраш — ноқонуний. Комсомол ташкилоти у ёқда турсин, ҳукумат идоралари бу ижтимоий иллатни бартараф этолмаётган пайтда мазкур моддани Уставга киритсак, биз кўп сонли аъзолардан маҳрум бўлишимиз ҳеч гапмас.

Алишер жойларда муҳокамаларда аъзолик бадаллари миқдори ҳақида бир неча хил таклиф бўлганини айтди. Масалан, 70 сўмгача ойлик оладиганлардан 20 тийин, 100 сўмгача оладиганлардан 40 тийин ва ундан ошиғидан ойликнинг бир фоизи миқдорида.

Тўғримикан? Фирқа аъзолари янги Уставга монанд 250 сўмгача ойлик олишса, унинг бир фоизини тўлашмоқда. Демак, аъзолик бадали фирқа ва комсомол аъзолари ўртасида деярли бир хил миқдорни ташкил этади. Фарқ нимада қолади? Ҳар иккала сиёсий ташкилотни бир хил даражада обрў-эътиборга олиб чиқиш учунми? Ҳаётда эса бунинг акси.

...Хонқа ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Комилжон Жуманиёзов билан суҳбатимиз янада қизғин ўтди. У яқиндагина мазкур Устав лойиҳаси муҳокамасидан — пойтахтдан қайтиб келган. «Лойиҳага эътирозлар жуда кўп бўлди. Бир қизиқ томони, деярли ҳар бир бандда Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти комсомол ташкилоти ҳақида сўз юритилади. Эътибор берилса, биз ўзимиз тўғридан-тўғри мухтор жумҳурият комсомол ташкилотини жумҳурият комсомолидан ажраб чиқишга даъват қилаётирмиз. Мантиқ шунга боради. Тўғри, мустақиллик зарур, шарт. Аммо, мухтор жумҳурият комсомоллари истаги-хоҳиши билан ҳисоблашиш керак.



— Яна бир томони, — дейди саркотиб, — агар шу боришда давом этса, съезддан кейин ҳар бир вилоят комсомол ташкилоти, кейин шаҳар ва ноҳия комсомол ташкилотлари ўз Уставларини ишлаб чиқадилар. Ҳозирда ҳам бир қанча ноҳияларда бу тажриба кузатилган. Демак, умримизнинг бир йилдан ошиқ вақти қоғозбозлик, муҳокамалар билан ўтиб кетмаса... Иқтисодий инқироз бўғзимиздан олган, халқни боқиш, унинг камчиликларини, ташвишларини тугатишга кўмаклашиш ўрнига, гап сотиб уни беҳуда ўтказмасак, деб қўрқаман».

Комилжоннинг фикрларида жон бор. Демократия — бу бошбошдоқлик бўлмаганидек, мустақиллик ҳам бўлиниб кетиш дегани эмас. Жумҳурият комсомол ташкилоти мустақил сиёсий ташкилот мақомини олиши, айни пайтда барча вилоят комсомол ташкилотлари унинг бир қисми — яхлит бўлаги бўлиши керак. Шунга эришилмаса, Комилжон айтган хавф — қоғозбозлик, вақтни ҳавога совуриш эҳтимоли ҳақиқат бўлиб майдонга чиқади.

Энди айримлар билдираётган ташкилотнинг номланиши ҳақида: БЛКЁИнинг жумҳуриятимиздаги бир нусхаси бўлган ЎзЛКЁИнинг номланишини кўриб чиқиб, съезд бу масалада бир қарорга келиши керак. «Комсомол» сўзи маълумки, Коммунистик ёшлар иттифоқининг қисқартма шакли. Сўнгги пайтларда маълум бўлдики, етмиш уч йилки бизни коммунизм сароби сари алдаб ҳайдаб боришган. Сўнгги пайтда Овврўпада ва жаҳоннинг олдин оиз социализм деб атаб келган мамлакатларида мавжуд коммунистик ёшлар иттифоқлари тугатилди ёки бошқача номланди. Айни пайтда комсомол сўзининг ўзи кулгули эшитила бошлади — биз эски қолипларга ёпишиб олиб, ўз «принципларидан воз кечишни истамаётган» консерватор фикрдаги кишиларнинг ноғорасига ўйнашни давом эттиряпмиз.

Шундан келиб чиқиб, мен съезд делегатларининг эътиборига қуйидаги таклифни ҳавола этардим: **Ўзбекистон комсомол ташкилоти номи эндиликда «Ўзбекистон мустақил камоллари» деб юритилса. («Камол» сўзи ўттизинчи йилларда комсомолларга нисбатан қўлланилган. Давлат тили ҳурмати нуқтаи назаридан ҳам бу атамани киритишимиз шарт).**

Яна ундаги «ленинчи» сўзи олиб ташланса. Афсусли томони шундаки, бугунга келиб, ошкоралик туфайли марксизм-ленинизм ғояларининг ҳақиқий ҳолати очилиб қолди, халқни қирғин қилишга, зўравонликка асосланган силсила чок-чокидан сўкилиб кетди. Қачон бўлмасин, биз барибир шундай қарор қабул қилишга мажбур бўламиз. Хайрли ишни кечиктириб ўтиришга ҳожат йўқ — келгуси авлодлар, ўрнимизга келадиган ёш камоллар бизни журъатсизликда, қўрқоқликда айбламасликлари учун ҳам бу зарур.

Шундай қилинганда, Ўзбекистон мустақил камолларининг БЛКЁИга боғлиқ ўрни қолмайди, жумҳуриятни иқтисодий ва сиёсий мустақилликка бошлаб бораётган сиёсат ўзини оқлайди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири, вилоят комсомол қўмитаси аъзоси.

Самарқанд вилоят комсомол қўмитаси яқинда бўлиб ўтган йиғилишида бир таклифни маъқуллади. Вилоят комсомол қўмитаси оталиғидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалиги йиллик пахта тайёрлаш режасини ошириб бажарганлиги муносабати билан бу йилги комсомол ташкил топган кунни ўша ерда нишонлашга келишилди.

27 октябрь куни Большевик ноҳиясидаги ушбу давлат хўжалигида вилоят ёшларининг байрами ўтказилади. Ёшлар байрамида барча ноҳиялардан таклиф этиладиган санъаткорлар йиғилганларга хизмат кўрсатишади. Вилоят комсомол қўмитаси томонидан ташкил этилган ёш механизаторлар конкурсига якун ясалади. Ғолибларга комсомол қўмитаси ва вилоят агросаноат уюшмасининг мукофотлари топширилади.

ЁШЛИК БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

Байрам иштирокчиларини Тошкентдан таклиф этилган бир гуруҳ санъаткорлар ҳам ўз чиқишлари билан хушнуд этишади.

Шу куни байрамда қатнашганлар марокли ҳордиқ чиқарадилар, комсомол ташкил топган кунни кўнгилдагидек нишонлайдилар.

Ёшлар байрамига марҳамат қилинг!

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири.

ОҚ КАБУТАР

Меҳнатинг, заҳматинг оғир нечоғлик
Мен эмас, уйқусиз далалар айтсин.
Ғўзанг чаноғидан учган ҳар момиқ
Халқим, бахт қушидек ўзингга қайтсин.

Майли шон қайтмасин, тўйдик у шондан,
Бир тишлам нон бўлиб қайта қолсин у.
Ҳеч ким бахт топмади зарҳал нишондан,
Оддий раҳмат сўзин айта олсин у.

Кафтларингдан учган шу оқ кабутар
Шарбат ола келсин, ёғ ола келсин.
Шўр манглай заминга солсину назар
Гуллаган, яшнаган боғ ола келсин.

Майлига қиш олди уйма-уй юриб,
Кемтик деворларинг ямаб берсин у.
Болакай кўзида чексиз мунг кўриб,
Ато этсин унга қайтадан ёғду.

Майли кафтларингдан учган ўша қуш
Келин либосига айлансин ҳарир.
У тоза бир ҳаво елписа на хуш,
Жажжи тумшуғида бир ҳидлам атир.

Майлига қайдадир учраса дўст, ёр
Олтин ришта билан боғлай олсин у.
Сайёд ҳамласига бўлмай гирифтор
Ҳасадгўй бағрини доғлай олсин у.

Лекин қайларгадир кетмасин дайдиб,
Доим қулоқ тутсин халқим, сўзингга.
Оқ пахта-оппоқ қуш то келсин қайтиб
Интиқ ошёнига-юртим, ўзингга...

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

ОБУНАЧИЛАРГА 6 ТИЙИН, СОТУВГА ЭСА 10 ТИЙИН

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котибияти 1991 йил учун ёшлар ва болалар нашрларига обуна бўлишнинг аҳволини кўриб чиқди. Унда нашрлар нархининг анча ошганлиги обунага жиддий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди.

Котибият «Ёш ленинчи» рўзномаси бир нусхасининг нархини обуначилар учун 6 тийин, сотувга эса 10 тийин қилиб белгилаш ҳақида қарор қабул қилди.

Қадрли муштарийлар! Агар ўз вақтида «Ёш ленинчи»га 12 сўмга обуна бўлсангиз 8 сўмни тежаб қолган бўласиз. Энг муҳими эса, алоқа ходимлари рўзномани уйингизга ўз вақтида етказиб беришади.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»ГА ЁЗИЛСАНГИЗ... ПУЛИНГИЗГА АЧИНМАЙСИЗ

— «Теша тегмаган» янгиликлар;
— Давр ғаддорликларию, умидворликлари;
— Ўзбекистондаги, Ўрта Осиёдаги ва мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар таҳлили;
— Тарих жумбоқлари ва истиқбол муаммолари;
— Руҳиятшунослар, ҳуқуқшунослар, фолбинлар (астрологлар) маслаҳати;
— Ўтмиш лавҳалари ва қадриятларимиз, маданий меросимиз ва ўзбек тили равнақи;
— Ва ўзингизни қизиқтирган барча масалалар ҳақида муттасил маълумотларга эга бўлишни истасангиз.
«Ёш ленинчи» рўзномасига обуна бўлишни унутманг.
Бир йил учун 12 сўм тўласангиз, ўн икки ой маза қилиб ўқийсиз.

Мавзуга қайтиб

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Биринчи қор Ақойиддин Ҳожимуҳамедовнинг хонадонига севинч олиб келди. Тўрт ойдан сўнг уни табассум, қувонч оғушида кўрдик. Юз йигирма тўрт кундан бери, оғир сукунат, ҳасрат домидаги хонадондан қаҳқаҳа овози эшитилди. Адолатнинг тантанаси эди бу.

Кўпчилик Тошкент шаҳрининг Оренбург кўчаси, 22-уйини — бу хонадонни билар. Очлик туфайли ертўлада азият чеккан Ақойиддин Ҳожимуҳамедовниям. Мана унинг натижаси.

«Биз қуйида имзо чекувчилар, «Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» давлат хўжалиги директори В. Мухин, Тошкент шаҳри, Октябрь ноҳиясида яшовчи «Чорвадор» ширкати раиси А. Ҳожимуҳамедов ушбу актни шу ҳақда туздиким, юзага келган меҳнат баҳсини ўзаро қуйидагича бартараф этамиз.

1. Келес ноҳиясидаги «Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» давлат хўжалиги маъмурияти хўжалик директори В. Ф. Мухин қиёфасида кооперация ва ижара ҳақидаги қонунларга асосланиб, тўққиз йилдан кам бўлмаган муддатга илгари фойдаланиб келинган 31 гектар ерни бериш ва ижара тўловини ҳар гектар ерга минг сўмдангача сақлаш тўғрисида шартнома тузиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу муддат хўжалик маъмуриятининг ризолигига кўра узайтирилиши мумкин.

2. «Чорвадор» ширкатининг раиси А. Қ. Ҳожимуҳамедов ўз зиммасига давлат хўжалигига ҳеч қандай молиявий эътироз билдирмаслик ҳақидаги нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжатларни тақдим этиш ва очлик эълон қилишни тўхтатишни зиммасига олади.

3. Қишлоқ шўроси ерни ижарага бериш ҳақидаги актни қайд этади.

4. Шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиш муддати 1990 йил 1 декабрга қадар белгилансин.

«Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» давлат хўжалиги директори В. Ф. Мухин.

«Чорвадор» ширкатининг раиси А. Қ. Ҳожимуҳамедов.

1990 йил 19 октябрь.

Актни тузишда иштирок этганлар Тошкент шаҳар фирқа қўмитасининг йўриқчиси А. В. Йўлдошев, «Ленин йўли» қишлоқ шўросининг вакили А. Т. Оразбаев, хўжаликнинг бош иқтисодчиси А. Ф. Колотаев, халқ назорати раиси Б. Бекмирзаев, хўжалик бош агрономи Э. Б. Дарбаев, бош ҳисобчи С. Қайроқбоев, 2-цех бошлиғи М. Абдумуталиев, «Ёш ленинчи» рўзномасининг бўлим мудири Қ. Эшматов, «Тошкент оқшоми» рўзномасининг махсус мухбири А. Нуримов, ЎзФА катта илмий ходими Ф. Рўзиев, Октябрь ноҳия прокурорининг ўринбосари А. Шарипова, Октябрь ноҳия фирқа қўмитасининг йўриқчиси, С. Муталов, «Учқун» маҳалла қўмитасининг котиби М. Абдусаломов».

МУАЛЛИФДАН: хайрлашаётганимизда Ақойиддин Ҳожимуҳамедов менга бошига оғир кун тушганида унга руҳан мадад берганларга ва хусусан «Ёш ленинчи» жамоасига миннатдорчилигини етказишимни айтди.

Яна мажбурийми?

Бундан ўн-ўн беш йил илгари обуна «режали» равишда олиб бориларди. «Режали» сўзини қўштирноқ ичига олиб ёзганимнинг сабаби, сен бу ойномага, сен эса бу рўзномага обуна бўласан дейишарди. Начора, давр шундай эди.

Рўзномаларда ёзилишича обуна мажбурий эмас экан-ку. Шундай экан, ҳар ким ўзи севган нашрга обуна бўлсин. Мен бу йил «Ёш ленинчи»га ёзилдим. Лекин биз ишлаётган Боёвут ноҳияси халқ таълимидагилар янги «ҳунар» кўрсатиб қолишди. Ҳатто кимнинг қайси рўзнома ва ойномага обуна бўлишигача режалаштириб чиқишибди. Нега энди биз ўзимиз ёқтирмаган нашрга обуна бўлишимиз керак?

Абдимўмин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Боёвут ноҳияси «Боёвут» давлат хўжалиги.

Ф. СП—1

Министерство связи СССР „Союзпечать"

АБОНЕМЕНТ на газету 64607 (индекс издания)

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Количество комплектов:

на 1991 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда ______ (почтовый индекс) ______ (адрес)

Кому ______ (фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА на газету/журнал 64607 (индекс издания)

п.в. | место

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Стоимость	подписки	___ руб. ___ коп.	Количество комплектов	
	переадресовки	___ руб. ___ коп.		

на 1991 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда ______ (почтовый индекс) ______ (адрес)

Кому ______ (фамилия, инициалы)

Бугун, шу кеча-кундузда тасодиф юз бериб, мендан: «Ўзбекистонда ишбилармон раҳбарлар борми!» — деб сўраганларида ҳеч иккиланмай, бор, шулардан бири Сурхондарё вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ўрол ХОЛМОНОВдир, дея жавоб берган бўлардим.

Айнан ана шу йигит қайта қуришнинг иккинчи йилида ноҳақлик қурбони бўлишига сал қолганини ҳамма ҳам билмаса керак. Қуйидаги мақола шу ҳақда.

«Ҳақиқат синмас экан...»



— Ўрол, сизни иккинчи йўқлаяпти. Тезда борар экансиз!

У хотиржам бош ирғади:

— Ҳозир.

Эртага вилоят комсомол ёшларининг катта анжумани, жиддий ва пухта тайёргарлик кўрмаса, қизариб қолиши ҳеч гап эмас. Камчилигинг бўлса, ошкора юзингга солишади. Илгариги андишаларга ўрин қолмади ҳисоб.

Ўрол ўшанда шуларнигина ўйларди. Бирор нарсадан шубҳаланишга асоси ҳам йўқ эди-да.

Вилоят фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Г. П. Стешенконинг юзидаги зимистонни кўриб ҳам кўнглига ҳеч қанақа ёмон ўй келгани йўқ.

— Обкомпартия сени идеология ишига тавсия этолмайди, — деди Г. П. Стешенко осмондан тараша тушгандек.

Ўрол пешонасини деворга уриб олган киши ҳолига тушди. Шу заҳоти дардчил сўров бўғзини тирнаб ўтди:

— Нима сабабдан?

— Буни Бобораҳимовдан эшитасан! — «Чиқ, гап тамом» оҳангида қўпол муомаладан билдики, тортишиб ўтириш бефойда.Ноилож, Сурхондарё вилояти комсомол қўмитасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Равшан Бобораҳимовга учради.

— Тушунмаяпман, нималар бўляпти ўзи? — сўради ҳайрон бўлиб.

Р. Бобораҳимов ҳам гапни қисқа қилди:

— Сени бошқа ишга ўтказишмоқчи шекилли.

— Қанақа ишга!

— Буни Стешенко билади.

Барибир ундан натижали гап чиқмади. Ўрол азоб ўтида ёниб қолаверди. Уйга келди — совумади: ёнди, ташқари чиқди — ёнди, ўрнига чўзилди, — ёнди, кўзини юмди... Йўқ, бўлмади: ёнаверди, ёнаверди. Тун бўйи ёниб чиқди.

Унга бунчалик алам қилгани нима, мансабмиди? Ёки... Ахир мансаб орқасидан қувганлардан эмасди-ку! Эҳтимол қайси хатоси учун ишдан олинаётганини очиқчасига юзига солишганида бунчалик ёнмасди, бунчалик куймасди.

У умри бино бўлиб биринчи маротаба ортига — ўтган кунларига, босган изига, бажариб улгурган, улгурмаган ишларига назар солди.

Тонглар нақадар чиройли, кечалар нурафшон, оқшомлар дилбар эди-я! Бола-чақа, назокатли умр йўлдоши, уй-жой — бу томондан ҳам тақдир унга кулиб боққанди.

Иш фаолиятини мактабдан бошлади. Касби ўзига ёқарди, маоши ҳам ёмон эмасди. 270 сўм билан бемалол рўзғорини тебрата олар, қолаверса, ўшанда ҳозиргидек совун, шакар, гўшт муаммолари ва талай қийинчиликлар йўқ эди. Бу орада уни Гагарин ноҳия комсомол қўмитасига чақириб қолишди. Ёшларнинг бир йиғилишида у дадил-дадил фикрлар билдирган, ўзининг нимага қодирлигини намоён этганди. Катталарга маъқул бўлганиниям орқаваротдан эшитган, лекин иссиқ жойини ўзгартирмоқчи эмасди. Уни на мансаб, на шуҳрат қизиқтирарди. Йўл бўйи «йўқ», дейман, рози бўлмайман», деган фикрда борди. Сир эмас, ўша кунларда комсомол баъзи бир курсипарастлар учун мансаб пиллапоясига айланиб қолган, у эса бундай шуҳратпарастликлардан ор қиларди. Биринчи котиб хонасининг эшигини очиб ичкари кираётгандаям фикридан қайтганича йўқ эди.

Ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котибаси Дилором Собиржонова у билан узоқ суҳбатлашди. Иш тўғрисида гап очганда, Ўрол унинг таклифини рад этолмади. Нима устун келди? Мансаб васвасасими? Ёки... Шу ишниям эплолмайсизми, деб уялтиришидан чўчиди шекилли. Кейин-кейин билдики, аёл қаршисида эплолмайман дейишга йигитлик ғурури йўл бермаган экан.

Қишлоқ ўз номи билан қишлоқда: янгилик бирпасда қанот ёйди. Кишилар биринчи галда ойлиги билан қизиқишди. — «Ҳе, Ўрол, сени нима жин урди: 270 сўмлик тинчгина ишингни ташлаб, 120 сўмлик ғавғоли жойга бурнингни суқиб нима қиласан», — деганлар ҳам бўлди.

Оилада ҳам кечқурунги таом бошида шу тўғрида гап борди.

— Ишинг яхши эди-ку, болам,— деди онаси, — нима қилардинг сарсон бўлиб.

— Майли, ишлаб кўрсин-чи, — деди отаси. — Эплаб кетса, ўзига яхши. Кўпчилик ичида юриб оқ-қорани танийди.

Ота рози-худо рози. Ўрол енгил тортди.

Шундай қилиб, Ўрол Холмонов Гагарин ноҳияси комсомол қўмитасида инструкторлик вазифасида ишлай бошлади. Кишилар билан тез тил топишадиган йигит эмасми, кўп ўтмай аппаратдаги ёшлар билан иноқлашиб кетди. Ҳар бир ишни меъёрида, бекаму-кўст бажаришга ўрганганлиги эса ҳужжатлар билан ишлашига қўл келди. Фақат моддий жиҳатдан бироз қийналди, маоши бу ойдан- у ойга зўрға етарди.

Кўп ўтмай уни вилоят комсомол қўмитасига ишга олишди.

Яна она унинг тинчини хоҳлади.

— Ноҳияда обрўйинг яхши, болам. Ишинг ҳам жойида. Овора бўлиб юрасанми?

— Қўй, йўлдан қайтарма уни,— деди отаси яна. — Майли, бенасиб бўлмасин. Пешонасида бор экан, элга хизмат қилсин!

Янги иш... таниш, нотаниш кишилар. Унга киборлик ёт эди. Бу курсидан у курсига сакрашдан кўра, вазифасининг масъулиятини ўйларди. Омадни қарангки, ўлиб-тирилиб мансаб орқасидан қувганларга эмас, баланд мартабалар унга насиб этаверди.

Орадан кўп ўтмай Гагарин ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлди. Кейин яна вилоят марказига, Термизга чақириб олишди...

Шунча йил ёмон ишламади-ку! Нега энди уни бирданига ишдан четлатишяпти. Мажлисларда, йиғилишларда ҳақиқатни гапирган бўлса, бунинг нимаси ёмон. «Уларга кўп халақит бераяпсан, бир кун бошингда ёнғоқ чақишмасайди» дейишарди-я.

Ўрол зўрға тонг оттириб, ишга жўнади. Вилоят комсомол қўмитасининг конференцияси барвақт бошланди. Икки қисмини унинг ўзи олиб борди. Юрагида оғриқ борлиги, руҳи безовта бўлаётганлиги туфайли ўзини қўярга жой тополмас, «Нима бўларкин? Нима бўларкин?» дея қаттиқ изтиробда эди.

Танаффус пайтида ўзига қарши тайёрланаётган ғаразгўйликнинг устидан чиқди.

Г. П. Стешенко вилоят фирқа қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мудири В. И. Голубни сўроққа тутиб турарди:

— Ўрол Холмоновдан ариза ёздириб олдингми?

— Қанақа ариза?

— Қанақа ариза эмиш. Ишдан бўшаш ҳақида-да. Шуниям билмайсанми? Олдингми?

— Йўқ.

— Э, сени...

Ўролнинг тишлари зириллади.

Уларга нима ёмонлик қилди? Айби ҳақиқатни айтганими?! Ноҳақлик эмасми бу ахир!

Кутилмаганда В. И. Голуб уни ҳузурига чақирди.

— Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг! — деди буйруқона оҳангда дағаллик билан.

Ўрол нияти бузуқларга бўйин эггиси келмади.

— Ҳеч қанақа ариза-париза ёзмайман, — деди у ҳам бир парда юқори оҳангда. — Комсомолга ариза ёзиб ишга келган эмасман!

Голуб «кўнмасанг, бошқа йўл тутамиз» деган маънода беларво кулиб қўя қолди.

Ўрол нима қиларини билмай ҳайрон эди. Нима қилсин? Дардини кимга айтсин? Шарманда бўлиб кетаверадими энди? Ёки вилоят қўмитаси биринчи котиби олдига чиқсинми? Айтгандай, у Москвада касалхонада-ку! Лекин у барибир бу найрангбозларга осонликча таслим бўлмайди: тушларини сувга айтишсин?

Конференцияда ўтирганларга синчковлик билан назар соларкан, Гагарин ноҳияси фирқа қўмитасининг иккинчи котиби М. Зоировнинг залда йўқлигини кўриб, кўнглидан шубҳа кечди. Яна бир иғвони бошлаган кўринишади. Демак, сидқидилдан ҳалол меҳнат қилсанг, бундайларга ёқмас экансан-да. Ҳа, еб-ичишга йўл бермади-да уларга. Энди бу ердан унинг думини тугиб, шоҳона яшашмоқчи.

М. Зоиров икки соатлардан сўнг пайдо бўлди. Қўлида қоғоз. Уни Стешенкога узатаркан, беўхшов иржайди.

Вилоят комсомол қўмитаси юқори органларига сайлов бошланди. Номзодларнинг рўйхати ўқилди. Ўролнинг исми-шарифи тилга олинмади. Унинг вилоят комсомол қўмитасида ўзига яраша обрў-эътибори, мавқеи борлигини залда ўтирганлар яхши билишарди. Зардали, эътироз тўла бўғриққан бир нидо эшитилди:

— Нима учун Ўрол Холмонов составда йўқ? Бунинг сабабини билсак бўладими?

Залга бир лаҳза сукунат чўкди. Г. П. Стешенко Р. Бобораҳимовга қаради-да, «жавоб бер» дегандек имо қилди. У нима дея жавоб қилишини билмай елка қисди.

Ундан садо чиқмаганини кўрган иккинчи котиб сувдан қуруқ чиқиш учун шарт ўрнидан турди-да, уялмай-нетмай ёлғонни кўпиртирди:

— Ўрол Холмонов ўз аризасига мувофиқ Гагарин ноҳиясидаги «Янгиобод» давлат хўжалигига агрономликка ўтказилди...

Ҳар қанча оғир, ҳар қанча қийин бўлмасин, Ўрол руҳий азобларни енгиб, қишлоққа ота-она ҳузурига қайтди. Беш норасида гўдаги, вафодор ёри шаҳарда чирқиллаб қолаверди. Қиш пайти, совуқ, изғирин бўлса қаёққа кўчишади? Кимникига? У ёқда тайёр уй-жойи бўлса, бошқа гап эди.

Ўша оқшомнинг ўзида дув-дув гап тарқалди, сон-саноқсиз мишмишлар қанот қоқди: «Ўрол катталар билан келишолмабди», «Ўрол хатога йўл қўйибди»..

Она-чи?

Ота-чи?

Аёл нима қиларди? Ичидан эзилди. Кўнглига дарз кетганини яширолмади: пича кўз ёши ҳам қилиб олди. Ота... ота эса ишонмади.

Ўрол «Янгиобод» давлат хўжалиги раҳнамоларига рўпара бўлди. Қалбаки ҳужжатда таъкидланганидек, хўжаликнинг 7-бўлимида ҳеч қанақа агрономлик ўрни йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмасди: Бу тўғрида эшитганлар ўша заҳотнинг ўзида: «Ўрол, зўр келгандан кейин ўзингга жой очиб олибсан-да» дейишди эътирозларини яширмай.

— Бу менинг ишим эмас, қолаверса, бундай ишга муҳтож ҳам эмасман. Фақат нега ва нима учун қалбаки ҳужжатга кўр-кўрона қўл қўйишдийкин?

Маълум бўлишича, ўша куни М. Зоиров ноҳия деҳқончилик бўлими бошлиғи Б. Мирзаев билан биргаликда «Янгиобод» давлат хўжалиги директори вазифасини бажариб турган Х. Эсоновга «Бу вилоят фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Г. П. Стешенконинг буйруғи» дея мажбурлаб, ҳужжатга қўл қўйдириб, муҳр босдириб олган экан.

Машҳур экстрасеанс Ванга айтганидек, тепада инсоннинг ҳар қандай қинғир ишини кўриб турувчи жонли куч бор. Шунинг учун бўлса керакки, ҳар қандай ўта сир сақланган қинғир иш ҳам бир кун эмас, бир кун, албатта, фош бўлади. Биз, хом сут эмган бандалар эса кўра-била туриб, барибир, хомлигимизга борамиз, Ё ҳақиқатан ҳам ҳали онгимиз тўла шакллангани йўқмикин?

М. Зоиров билан Б. Мирзаевларнинг ёмон инсон эмасликлари аниқ. Лекин улар бир бегуноҳ йигитни, яна бунинг устига, ўзларидан чиққан истеъдодли ёшни булғаётганларини, ўйламай иш тутаётганларини англашмадимикан?

Ҳамон мансаб қули бўлиб қолаётганимиз, раҳбарлар қаршисидаги ожизликларимиз халқимиз учун қимматга тушмоқда, уларнинг ўзлари эса фожиага айланмоқда-ку, ахир.

Хуллас, Ўрол зўраки агроном бўлишни хоҳламади. Хўжаликдан 60 гектар ер олди. Қолоқ бригадага етакчи бўлди. Қишлоқ хўжалик олий илмгоҳини сиртдан тамомлагани яхши бўлган экан. Лекин афсуслар бўлсинким, шуниям юзига солишди. «Олий илмгоҳни тугатгансан, қишлоғингга бориб, агрономлик қилавер», дейишди истеҳзо билан. Майли, улар истаганича бўла қолсин. Ҳали ҳеч ким меҳнатдан ўлган эмас. Ҳақиқат бўлса, бир кун чиқади.

Унга бошқа ишларниям таклиф қилишди. Кўнмади. Уни енгил-елпи иш, ёғлиқ жой сира қизиқтирмаган ва қизиқтирмасди ҳам.

Бу орада отаси Термизга бориб келди. Айтишича, Сурхондарё вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби С. Мамарасулов уни очиқ юз билан қабул қилган. Ўролнинг ишдан олинганини ҳали эшитмаган экан, ҳайрон бўлибди.

— Тинчимни йўқотдим, билсангиз, — дебди ота йиғлагудек бўлиб. — Сўрасам, нуқул айбим йўқ, мени ноҳақ ишдан бўшатишди, дейди. Шунинг учун олдингизга келдим. Шу юртнинг бошисиз: ҳақ бўлса ҳақлигини, ноҳақ бўлса, ноҳақлигини аниқлаб беринг. Бутун умидим сиздан.

— Сиз хотиржам бўлинг, — дебди С. Мамарасулов. — Бу иш шундайлигича қолиб кетмайди. Ўролжон эртага соат тўртларда ҳузуримга келсин!

Эртаси С. Мамарасулов вилоят фирқа қўмитаси бюро аъзолари билан биргаликда Ўролни қабул қилди. Йиғилиш қарийб икки соат давом этди.

— Мени на мансаб, на бошқаси қизиқтиради, — деди Ўрол. — Ҳақиқатни тиклаб берсангизлар, отам тинчларини топсалар, бас. Менга шуниси керак.

Вақти тиғиз бўлишига қарамай, С. Мамарасуловнинг шахсан ўзи мазкур иш билан шуғулланди. Вилоят комсомол қўмитасига бориб, воқеани бошидан охиригача суриштирди. Ниҳоят, орадан йигирма кунлар чамаси вақт ўтиб ҳаммаси ойдинлашди.

Янгиободликлар бундай бўлишини кутишмаганди. С. Мамарасулов ноҳия, хўжалик фирқаларини, фаолларини йиғиб, Ўрол Холмоновнинг ноҳақ ишдан бўшатилганини, фирқанинг обрўсига доғ тушадиган хунук воқеа рўй берганини ошкора айтди.

Эл оғзига элак тутиб бўлармиди? Бу хабар энди фақат қишлоққа эмас, ноҳияга, ҳатто бутун вилоятга тарқалди. Дўстлар дўппиларини осмонга отишди, душманлар бошларини хам қилишди.

Она яна кўзига ёш олди. Энди бу севинч ёшлари, қувонч ёшлари эди. Ота эса ўғлининг қатъий сўзли эканлигидан мамнун бўлди.

Ўролнинг ўзи-чи? Йиғлашни ҳам, кулишини ҳам билмасди. Ҳақиқат бор экан! Бор экан — дер эди фақат.

Кўп ўтмай уни Термизга чақиришди. Май ойи. Ғўзалар кўкка бўй чўзиб, далалар яшил денгизга айланган. Ўролнинг даладан кетгиси йўқ эди. Яхши инсон ҳеч қачон ишини чала ташлаб кетмайди.

— Ўзинг танла, — дейишди унга вилоят фирқа қўмитасидагилар. — Марказда ишлайсанми ёки ноҳия фирқасида?

— Ҳақиқатни тикладинглар, шунисига раҳмат, — деди Ўрол миннатдор оҳангда. — Умид билан ерга чигит қадаб, уни минг бор азобда кўкартирдим. Ҳосилни йиғиб олгунча, рухсат берсангизлар, кейин ўйлаб кўраман.

...Ёз, куз дала шийпонида, тол дарахти остидаги ўзи ясаган супада ўтди. Ҳосилнинг яхши-ёмон бўлиши бригадирнинг илмига, пахта тилини қай даражада билишига боғлиқ. У даладан, кесак ичидан чиқмади. Югуриб-елиб ишлади, меҳнатининг натижаси кўнгилдагидек бўлишига ҳаракат қилади. Ниҳоят, ғалвир сувдан кўтариладиган кунлар етиб келди. Унинг бригадаси ноҳияда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди. 186 тонна ўрнига 230 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

Ўша кунлари дилини хуфтон этган воқеалар ҳам бўлди. Ҳамон уни таъқиб этиш давом этаётганди, кимлардир уни зимдан кузатиб юрарди. Шунинг учун ҳам ҳар бир қадоқ пахтани дафтарига қайд этиб, ҳисоб-китоб қилиб борди. Бирор қадоқ пахта қўшиб ёзилса, кўзини очиб қўйишлари ҳеч гап эмасди. У бундай таҳдидни доимо ҳис этиб юрди.

У дала ишларини тугатиб, кўнглида ярим қувонч, ярим ўкинч билан Термизга қайтди. Хоҳишига қараб, ишга тайинлашди. Гарчи айби бўйнидан соқит қилинган, ишга тикланган бўлса-да, аллақандай ички армон унга тинчлик бермасди. Гоҳида туриб-туриб эзилар, ўзини олдингидек бахтли ҳис этолмасди. Кейин билдики, буларнинг ҳаммаси бир қанотининг мажруҳлиги туфайли. «Ноҳақ эзилиш мана шундай қимматга тушаркан инсон учун!»

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА: **Деҳқонсифат бу йигитни дастлаб мен Термизда, вилоят комсомол қўмитасида учратдим. Ўша кунлари биз, бир гуруҳ рўзномамиз мухбирлари, Афғонистон ёшларининг «Дарафше жавонон» рўзномаси етакчилари билан учрашувга борган эдик.**

— Эшитдингларми, Ўрол биринчи бўлди! — деган гап қулоғимга чалинди.

Вилоят комсомол қўмитасининг 1989 йил 27 сентябрь кунидаги пленуми 5—6 соат давом этди. Биринчи котибликка тўрт номзод рўйхати киритилганди. Залдаги ёшлар Ўрол Холмоновнинг исми-шарифини рўйхатга киритишни сўрашди. Талаб қондирилди.

Ўрол энг охирги ўриндиқда, ҳамон ўшандай ўйчан, ғамчил ҳолда беларво ўтирар, номзоди рўйхатга киритилганини эшитиб ҳам суюнмади. Барибир, йўл беришмайди.

Ниҳоят, у тўрт номзоддан сўнг минбарга кўтарилди. Гапиришга тайёр эмасди. Тартиб бўйича, аввал, таржимаи ҳоли ҳақида сўзлаши керак. Шу тўғрисида сўз очар-очмас, зал гувиллаб кетди:

— Таржимаи ҳолингизни яхши биламиз!

Унинг юраги ҳаприқиб кетди. «Ҳаммасини билишар экан-ку! Билишар экан-ку!»

Нигоҳлар унга қадалган. Ҳамма унинг сўзларига муштоқ эди.

У кўнглини қандай ўйлар безовта қилаётганини, нима ишларни амалга оширмоқчи эканлигини ортиқча ҳиссиётсиз, бамайлихотир, равон сўзлади. Минбардан тушар-тушмас янгроқ қарсаклар янгради. Эзилган юрагига, ҳорғин руҳига ёқимли малҳам ҳузур бағишлади. «Шундай дақиқаларга етаман деб ўйлаганмидим?» Беихтиёр хўрсинди.Камолатга етиш, ҳаётдан ўз ўрнини топиш нақадар қийин-а!

У ҳали номзоди ўтишига унчалик ишонмасди. Тушкун кайфият ҳали уни тарк этган эмасди. Сайлов жуда чўзилиб кетди. Минбардагилар билан зал роса тортишди. Ким кучли: раҳбарларми ё кўпчилик?

Ўрол ҳаммасини зимдан сезиб-билиб, идрок этиб турарди. Кимлардир унга қарши. Жон-жаҳдлари билан унинг номзодини ўтказмасликка уринишмоқда. Ноҳақлик ўйинининг сўнгги кўриниши нима билан хотима топаркин?

Олти ярим соат... Олти ярим соат чинакамига жанг бўлди. Сурхондарё ёшлари етакчилик вазифасини истаганга эмас, билағон, тадбиркор, энг муҳими, ўзларига ғамхўр йигитга топшириш иштиёқида эдилар. Уни ўзимиз танладикми, демак, охиригача курашамиз, дейишди. Сўзлари қатъий экан, маҳкам туришди.

Ниҳоят, минбардан ҳаяжонли овоз янгради:

— ...Ўрол Холмонов Сурхондарё вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби...

Зал яна ларзага келди.

* * *

Унинг хонасида шулар тўғрисида суҳбатлаша туриб,
кўнглимдан беихтиёр қуйидаги гаплар кечди:
ҳақиқатни топаман деган кишининг ўзи,
авваламбор, пок ва ҳалол,
имони бут бўлиши лозим экан.
Фақат ҳалоллик ҳақиқатга етказаркан кишини!

Тўлқин ҲАЙИТ
«Ёш ленинчи» мухбири.

«Обуна — 91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазишга ҳаракат қилинг!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Ғазета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катақларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

Танишинг: «Ёш ленинчи» мухлиси

«Қўшиқ—қалб туғёни»

Бу воқеанинг юз берганига ҳам ўн беш йилча бўлиб қолди. Тошкент. Темирйўлчилар Маданият саройи. Ёмғир уйларни, асфальт йўлларни, машиналарни, ўткинчиларни аёвсиз савалайди. Шалаббо бўлган одамлар Сарой кассаси ёнида турганларича, ошиқча билетларни хушламасдангина сотадилар...

Ўша кун, ёмғир сабаб бўлибми, ёхуд бошқа боиси бормиди, улкан томошагоҳда борйўғи уч юз чоғли шинаванда ўтирарди. Пурғиром на «юлдузлар», на таниш номлар ваъда этарди: «Концертда ёш хонанда Озода Назарова иштирок этади». Навниҳол бу қиз учун ўша кун алоҳида аҳамиятга молик эди: биринчи марта тошкентлик қўшиқ мухлислари синовидан ўтаётганди. У ўзининг гали келишини сабрсизлик билан кутаркан, ич-этини ер, ҳаяжонланарди. «Зал қандай кутиб оларкин?» томоша аҳли эса истар-истамай қарсак чаларди. Аммо бу ҳол Озода чиққунига қадар давом этди. Ундан кейин эса...

— Томошабинларнинг ҳаммасига ҳам ёқиш қийин. Эҳтимол, ҳаммага ёқиш шарт ҳам эмасдир. Ҳар бир томошабиннинг ўз ардоқлаган санъаткори бор. Ахир ҳамма ҳам суйган ошини ичади-да. Агар камина ўз хонишларим билан озми-кўпми мухлис орттирган эканман, демак саҳнага беҳуда чиқмапман.

— Сиз саҳна орти, саҳна ва толор, яъни томоша зали ўртасида «тўсиқ» сезасизми!

— Саҳнага чиқарканман, бамисоли ёнғин оғушида қолган уйга бош суққандек сезаман, ўзимни. Бошимга ёнаётган тўсин тушадими ёки вужудимни аланга қоплаб оладими — билолмайман. Кейин, қоида тариқасида, ўзимни босиб оламан. Ана шунда бутун ҳис-туйғуларимни, куч-ғайратимни сафарбар қиладиган қандайдир жисмоний механизм ишга тушади... Қизиқ, шинавандалар адади қанчалик кўп бўлса, ёнаётган уйга кириб қолиш ҳиссиётини шунчалик ўткирроқ сезаман. Қаерда чиқиш қилмагин— телевидениедами, радиодами, концертдами самимиятсиз, чин ҳиссиётларсиз томошабин қалбини забт этиш мушкулдир. Томошабин сохталикни дарҳол сезади, ҳатто улкан томошагоҳнинг юқори қаватидан туриб ҳам илғайди.



Хонанда ўз устида тинимсиз ишлайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, у сон жиҳатидан энг кўп ашула куйлайдиган санъаткорлар жумласига кириши мумкин. Аммо ҳикоямиз қаҳрамони ўзининг хонандалик тақдирини бетакрор, фақат «Назароваға хос» ашулалардагина кўради.

— Сизга кўпроқ қандай саволлар беришади!

— Оддий саволлар. Бахтни қандай тушунасиз? Қандай қилиб истеъдодли бўлиш мумкин? Қандай қилиб машҳур бўлиш мумкин!

— Бундай саволларга жавоб беришдан қўрқмайсизми!

— Қўрқаман. Аммо мухлис билан бақамти келиб қолганингда жавоб беришга мажбур бўлар экансан. Бутун умрим иш ва оила ташвишлари билан ўтади. Биронта ашуламни яхши ёздирсам ҳам ўзимни бахтли деб ҳисоблайман. Конкурсда ғолиб чиқдимми — бахтлиман. Қўни-қўшни фарзандларимнинг одоби ҳақида сўз очдими — бахтлиман.

— Маълумки, ҳар бир чиқиш, ҳар бир концерт санъаткордан моддий ва маънавий сарф-харажат талаб қилади. Хўш, шу харажат эвазига нималарга эга бўласиз!

— Мухлислар меҳрини қозониш ҳамма-ҳаммасининг ўрнини босиб кетади. Баъзан қолдан тойганингда, мухлислар меҳри, олқиши мадор бўлади. Қаддингни тиклаб оласан, киши.

— Хонанда сифатида Сиз учун кимларнинг ижоди намуна саналади!

— Мавлуда Аъзамова, Жамол Низомхўжаев кабилар ижоди. Бундан ташқари атоқли санъаткорлар — Коммуна Исмоилова, Меҳри Абдуллаева ижоди мен учун намуна мактаби.

— Истеъдод ва ички маданият... Булар бир занжирнинг халқаларими!

— Афсуски, бундай эмас. Санъат тарихига мурожаат қилинг — бунга амин бўласиз. Мен истеъдод бошқарилиши лозим бўлган тушунча деб биламан. Демак, истеъдод энг аввало, одамларга, жамиятга фойда келтириши керак.

— Сиз нега ашулаларингизни ҳамма вақт дутор жўрлигида куйлайсиз!

— Дутор наволарида севиш, севилиш, ҳижрон дарди, садоқат, меҳру вафо туйғулари улуғланади.

— Маълумки, Сиз Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Маданият институтида хор дирижёрлиги ихтисосини сиртдан эгаллаб, Ўзбекистон радиосининг жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ботир Умиджонов раҳбарлигидаги хор коллективида хонанда бўлиб хизмат қилдингиз. Ҳамкасбларингизнинг сизга муносабатлари қандай!

— Аввало шуки, хор мени жамоа руҳида тарбиялади. Умуман, жамоамизда хайрихоҳлик, ижодий туйғу кучли. Бизда Муҳаббат Шамаева, Абдуваҳоб Эргашев, Адҳам Каримов, Баҳрулла Лутфуллаев, Клара Жалилова, Малика Раҳимова каби етук санъаткорлар ишлашадики, менинг ижод соҳасидаги ҳар бир ютуғимда уларнинг ҳиссаси катта.

Ҳозирда Дони Зокиров номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрида ишлаяпман. Ижодимнинг ўсишида етук композитор Мустафо Бафоевнинг хизмати беқиёс.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз!

— Сафар, тинимсиз машқ, оила, бола тарбиясидан ортиб, ашулабоп шеърлар танлайман, куйлар басталайман, мусанниф ва бастакорлар билан ижодий ҳамкорлик қиламан. Қолаверса, ҳайдовчилик малакамни такомиллаштираман. Аслида ҳайдовчилик ҳам хонандаликдай гап. Бир ҳафта машқ қилмасангиз, рулда ўзингизни дадил ҳис этолмайсиз. Серташвиш асримизда машинасиз ҳамма-ҳамма юмушларга улгуриб бўлармиди, дейсиз?

— Сизнинг концерт фаолиятингизни сарҳисоб қилиб кўрсак, бир йилда ўрта ҳисобда 290 маротаба чиқиш қиларкансиз. Бунга ҳали турли қўмита, ташкилотлар фойдасига берадиган ўнлаб оталиқ, хайрия концертларингиз, ижодий учрашувлар кирмайди. Айтингчи, бу юкнинг ҳаммаси сизга оғирлик қилмайдими!

— Кимдир жуда топиб айтганди: чарчашдан эмас, бир жойда депсиниб қолишдан худо асрасин.

Суҳбатдош Шерали СОКИН.

* * *

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақола чоп этилаётганида Тошкентдаги 224-мактабдан сим қоқиб қолишди. Тунов куни хонанда бу даргоҳда бўлиб, аълочи ва жамоатчи юқори синф ўқувчиларидан 10 нафарини ўз ҳисобидан «Ёш ленинчи» рўзномасига обуна қилдирибди.

Ҳимматингизга балли, Озода!

Эртага ўзбек тилига давлат мақоми берилганига бир йил тўлади

Тил — ҳар бир миллат учун ўзлигини намоён этиш, алоқа қилиш воситасигина бўлиб қолмай, балки бебаҳо бойлиги ҳамдир. Тил — миллат ва элат дили. Аждодлардан авлодларга бадиий санъат дурдоналари ҳам ана шу тил воситаси туфайлигина мерос этиб қолдирилади. Хуллас, тил таърифи ва таъсифи беқиёс. Шу жиҳатдан ўзбек тилига давлат мақоми берилиши жумҳуриятимиз тарихида унутилмас воқеа — катта сиёсий донишмандлик самараси бўлди.

Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили тўғрисидаги Қонунининг эълон қилинганига ҳам мана бир йил бўлди. Зўр қийинчиликлар, манфаатдорлик, улуғ тил тақдиридан катта ташвиш тортиш йўлида жон куйдирган курашлар эндиликда шу Қонун қандай рўёбга чиқарилаётганлиги? Лойиҳа муҳокамасидаги ўта эҳтиросли ва фаолликлар ҳозир ҳам мавжудми? Ёки баҳорги ёмғир суви беткари кўпикдек сўниб, жойларда қоғозбозлик ҳукмронми? Мухбиримиз Карим РАҲИМнинг филология фанлари доктори, СамДД профессори, ўзбек тили кафедраси мудири, Самарқанд вилояти давлат тили тўғрисидаги Қонунни рўёбга чиқариш комиссиясининг аъзоси Назар РАЖАБОВ билан мусоҳабаси ана шу ва бошқа саволларга жавоб беради.

— Халқимизда қуруқ қошиқ оғиз йиртади, деган нақл бор. Ҳурматли Назар Ражабович, шунинг учун гапни индаллосидан бошлаб қўя қолайлик. Самарқанд вилоятида давлат тилини рўёбга чиқариш юзасидан қандай амалий ишлар қилинаяпти?

— Ишнинг мезони амалий самараси билан ўлчанади. Мен сентябрь ойининг биринчи ярмида Ўзбекистон давлат комиссиясининг таркибида вилоят соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш ва уй-жой хўжалиги бошқармаларида ҳамда Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳи қаршили жумҳурият 1- ва 2-клиникаларида давлат тилини рўёбга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдим. Ўз фикр-мулоҳазаларимни ана шулар асосида баён қилиб бермоқчиман.

Гапни соғлиқни сақлаш бошқармасидан бошлай қолайлик. Бу соҳа аҳоли учун ғоят зарур ва яқин. Вилоят бошқармасида (бошлиғи Х. М. Мелиқулов, ўринбосарлари — И. Б. Рухман, Т. Ж. Жўраев) давлат тилини қўллашда муайян тажриба тўпланган. Бошқармада «Касаба уюшмаси ҳаёти», «Фирқа турмуши», «Қабул қилиш тартиби», «Комсомол турмуши» каби лавҳалар ўзбек тилида чиройли қилиб ёзиб илиб қўйилган. Бунда касаба уюшмаси ташкилоти раиси Турсун Жўраевнинг хизмати яққол кўриниб турибди. Бу ерда 33 кишидан 13 киши (ваҳоланки, 18 киши бўлиши лозим эди) 160 соатли дастур бўйича давлат тилини ўрганган. Шулардан тўрт киши яна қайта ўқиб-ўрганиш учун тавсия қилинган. Чушки, Л. Карпинская, А. Ершова, А. Безносов, М. Дементьева ўзбекча бир неча сўзнигина тушунади, холос.

— Демак ҳужжатларни расмийлаштириш ҳам эскича ҳолда экан-да?

— Шундай, Қонуннинг 7-моддаси бажарилмай қоляпти. Ахир унда «Ўзбекистон ССЖда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш жумҳурият давлат тилида юритилади», — деб очиқ-ойдин кўрсатилган. Лекин бу ерда нима учундир давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай муносабатда бўлиш ҳамон ҳукмрон. Қонун талаблари бажарилаётгани йўқ. Биз шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири билан суҳбатда бунинг гувоҳи бўлдик. Ҳатто, комиссия томонидан берилган тўрт варақ «Саволнома»га ҳам менсимасдан рус тилида ярим варақдан сал кўпроқ умумий тарзда жавоб қайтарилганлиги буни аниқ кўрсатиб турибди.

Давлат тили тўғрисидаги Қонунга панжа орасидан қаралиб келинаётгани аён. Бунда биринчи навбатда шу комиссиянинг раиси И. Рухман айбдордир. Аслида комиссия раиси давлат тилини билади ган ва унинг жонкуяри бўлиши қонуний талабдир. Нима учундир бу ерда ана шундан ҳам эътибор қилинмаган.

Яна бир гап. Ўзбек тилига ўтиш муддатлари камида икки йилликка мўлжалланган дастур асосида ўқишни ташкил этишни тақозо этади. Бу иш билимдон ўқитувчилар жалб этишни муҳимдир. Шундан ҳам ўқитиш учун аниқ дастурлар бўлиши раҳбарларга алоҳида уқтирилди.

Чунки бу ерда бирор бир дастур мавжуд эмас.

Шу ўринда бир масалани ўртага ташламоқчиман. Ҳозирги вақтда ташкилотлар шошилинч равишда ўқитувчилар топиб, енгил-елпи иш кўрмоқдалар. Буни пухта ўйлаб кўришга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда давлат тилини ўқитишни марказлаштирилган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди. Акс ҳолда давлат тили тўғрисидаги Қонунни рўёбга чиқариш борасида айтилаётган яхши фикрлар ҳам ҳавога учиб кетаверади, бирор бир самара бермайди.

Давлат тилини рўёбга чиқариш комиссиясининг раиси аввало ташкилот ёки муассасанинг бошлиғи бўлиши зарур. Бундан ташқари ташкилотда таржимон бўлиши керак. Ҳозирча нима учундир бу масала эътибордан четда қолиб келаяпти.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими (мудири ўртоқ М. Зубайдуллаева) ишлари менда салбий таассурот қолдирди. Суҳбатдан шу нарса аён бўлдики, у кишининг давлат тилига муносабати яхши эмас. Шундан ҳам бу ерда неча гуруҳ ўқув курси ташкил этилганлиги, аттестация якунлари, ўқитувчиларга қанча миқдорда пул тўланганлиги каби масалаларда умумий тасаввур ҳам йўқ. «Бўлимда неча киши ишлайди?» — деган саволга бир гал саккиз киши, иккинчи гал эса тўққиз киши деб жавоб берди. Уларнинг шахсий карточкалари билан танишиш тўғрисида гап кетганда эса қатъиян рад жавобини олдик. Шахсий варақалари сўралганда эса фақат бештасинигина кўрсата олди, холос.

— Гапингиздан Қонун ҳануз қоғозда қолаётганлиги, унинг ижроси учун масъул шахсларнинг ўзи ҳали «пинагини» бузмаганлиги кўриниб турибди. Тиббиётнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол қандай?

— Мен вилоят, шаҳар касалхоналарида, жумҳурият 1-, 2-клиникаларида, шаҳардаги 1-, 3-, 4-поликлиникаларда ҳам бўлдим. Умумлаштириб шуни очиқчасига айтганда бу ерларда ҳам аҳвол аввал қандай бўлса, деярли ўзгармаган. Айниқса шаҳар ва 2-жумҳурият клиникасидаги аҳвол ачинарли ҳолда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳи билан ҳамкорликда тезликда чора-тадбирларни кўришлари лозим. Бу ерларда умуман барча лавҳалар рус тилида ёзилган.

— Бу манзаранинг сиртқи кўриниши. Шунинг ўзи тиббиёт юзасидан иш юритиш беморлар билан мулоқот қандай аҳволда эканлигини кўрсатиб турган бўлса керак. Кишини ҳайрон қолдирадиган ва ажаблантирадиган ери шундаки, улуғ тилимиз ҳар жиҳатдан камситилиб, қашшоқлашишга юз тубан кетганда уни Қонун йўли билан муҳофаза этишда жон куйдирган эдик. Эндиликда унинг равнақ топишида мана шунга ўхшаш баъзи бир ношуд раҳбарлар туфайли равон йўлга ўзимиз ғов қўйяпмиз...

— Ўзлигини билмаган ўзгани менсимайди, дейишади. Маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси (бошлиғи В. И. Ан, муовини Ш. И. Иброҳимов) тармоқларида аҳвол айниқса ачинарли ҳолда. Тўғри, давлат тилини ўрганишга бироз ҳаракат бор. Лекин амалий самара йўқ. Натижада шаҳардаги айрим маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳамон эски ҳаммом, эски тос. Фактларга мурожаат қилайлик. Гагарин кўчасида жойлашган кийимларни зудлик билан тозаловчи уйда, Тошкент ва Даҳбет кўчаларида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш уйларида давлат тилида ёзилган биронта ҳам лавҳа, кўрсаткични учратмайсиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат тилида иш юритишни жонлантириш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Унга амал қилиш ҳар бир раҳбар ходимнинг диққат-эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Давлат тилини ўрганишда хўжакўрсин тарзида иш кўришга чек қўйиш зарур. Чунки бундай курслар камида икки йилга мўлжалланган бўлиб, ўқув соатлари миқдори ўртача ҳар йил учун юз соат ҳажмида белгиланиши керак. Ушбу ўринда «Муштум» ойномасидаги «Эй, воҳки, тилимиз шунчали ғарибмидики, уни уч ёки тўрт ойда ўрганилса...» дейилганини яна бир бор эслатиб ўтишни ўринли деб ҳисоблайман.

Атамалар комиссиясининг ишларини тубдан яхшилаш, уларга малакали ва жонкуяр олимларни жалб этиш зарур. Буларнинг таркибини қайта кўриб чиқиш лозим. Жумҳуриятимизда, шу жумладан вилоятимизда ҳар бир муассаса, ташкилот давлат тилини рўёбга чиқариш учун амалий фаолият кўрсатадиган айни палладир. Агар биз ана шундай йўл тутмасак, Қонун қоғозда қолаверади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур. Самарқанд вилоятида давлат тилини рўёбга чиқаришда бундан буёнги ишларингизда муваффақият тилаймиз. Бу хайрли ва савоб ишдан бирор бир киши четда қолмаслиги лозим.

АМАЛИЙ ИШЛАР ПАЛЛАСИ

Мукаррама МУРОДОВА

ОНА ТИЛИМ

«СССР Қонунлари, СССР Олий Советининг Қарорлари ва бошқа актлари... иттифоқдош жумҳуриятлар тилларида эълон қилинади».

(СССР Конституцияси, 116-модда).

Онаси бетоблангач, уни илк бор ўйлаган,
Жон фидо қилишга шай турган фарзанд мисоли—
Ениб, она тилини авж пардада куйлаган—
Шоирлардек, мен сени алқамагандим ҳали...
Ениб, ёза олмаган армоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним—она тилим!
Таърифга сиғмас дедим, чунки сен — ҳаёт тузи,
Халқ жигари асраб поклаган тоза қонсан.
Куйлаш эмас кўриниш, чунки сен—менинг ўзим,
Сен — ўтмишим, ҳаётим, истиқболим, имонсан.
Қалбим ҳосилин йиққан хирмоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!
Шоҳли йўлинг шарҳламоқ ортиқчадир, ёқсалар,
Самандарлар мисоли боқий ёлиб қолгансан.
Бўғмоқчи бўлиб келган тиллар шохин қайириб,
Гавҳарларин кўйинингга аста солиб олгансан.
Тош остида етилган маржоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!
Дунёда тиллар кўпдир, ҳаммаси сен сержаранг,
Елғизим, сен улардан устун демасман зинҳор.
Балки шундан, кўнглимга шубҳа сола бошлар чанг:
Оламда латин тили янглиғ ўлган тиллар бор!
Бўлай оби ҳаётинг, дармонинг, она тилим!
Жон олиб, жон беришдан дарҳоним — она тилим!
Не қўйма тафаккурлар, не олим, зукий зотлар
Излаб топа олмади чашми иттидонинг.
Ишонгум: ҳеч қандайин ЭҲМ, содиқ роботлар
Тополмагай лимиту сарҳад, интиҳонинг.
Собит ишонч, беписанд карвоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!
Ерга севгисин ҳатто ажнабий тилда айтган
Валадлардан Навоий, Пушкин чеккан изтироб.
Саодат — Қомусимда зарҳал ила битилган
Она тилда ёзилган қарор, ҳужжат деган боб.
Қонунда қўрғонланган қўрғоним она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним—она тилим!
Ғурур билан, баралла мадҳ айласам ҳаққим бор.
Бурчлиминг қадринг байроқ айлашга шеъримизда.
Миллион рўзномаларда тақдирсан, рағбат инкор,
Борн пролетарга хитобсан Гербимизда.
Марказқўм минбаридан Фармоним —она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним —она тилим!

Хорижддан хабарлар

ФЕДЕРАЛ МАҲКАМА ХУЛОСАСИ

БОНН. (СИТА мухбири Владимир Серов). Ҳаддан ташқари кўп овқатланиш ва носоғлом турмуш тарзи ГФЖ аҳолисининг саломатлигига салбий таъсир ўтказмоқда. Соғлиқни сақлаш федерал маҳкамаси ана шундай хулосага келди. Мазкур маҳкаманинг топшириғига биноан 25 ёшдан 69 ёшгача бўлган кишилар текшириб чиқилди. Эълон қилинган маълумотларга кўра, тадқиқот сўнгги ўн йил мобайнида ГФЖда ортиқча вазнли, қон босими ошган ва қонида холестерин миқдори ҳаддан зиёд кўп бўлган кишилар муттасил кўпайиб бораётганлигини кўрсатди.

Сўнгги уч йил мобайнидагина қон босими ошган кишилар 12 фоиз, қонида холестерин миқдори кўп бўлган кишилар олти фоиз кўпайган. Тамакига кучли эҳтирос ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. 1985 йилгача мамлакатда чекувчилар вақтинчалик камайган бўлса, кейинчалик чекувчилар эркаклар орасида 3 фоиз, хотин-қизлар орасида эса 4 фоиз ошган. Уларнинг ўртача миқдор сигарета чекиши ҳам кўпайган. Шифокорларнинг фикрича, мана шу салбий омилларнинг ҳаммаси юрак-қонтомир, рак ва бошқа касалликларнинг тобора кўпайишига сабаб бўлмоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● СОФИЯ. Болгарияда давлат гербини, байроғини, номини ўзгартириш тадбирлари кўрилмоқда. Буюк халқ мажлиси чоршанба куни мамлакат янги конституциясини ишлаб чиқиш учун тузилган комиссияга 15 кунлик муддат ичида давлатнинг бўлажак герби ҳақида таклифлар киритишни ҳамда уни ишлаб чиқиш учун конкурс эълон қилишни таклиф этди. Худди шу комиссия мамлакатнинг давлат байроғи тўғрисида ҳам таклиф киритиши лозим.

Тегишли қонун лойиҳасини тақдим этган парламент комиссиялари, дейилади шу муносабат билан БТА агентлигининг хабарида, «халқнинг бир қисмигина қарашларини ифода этган ва бирлаштирувчилик тусига эга бўлмаган рамзлардан гербни ва байроқни халос этиш» зарур деб ҳисобламоқдалар. Бўлажак гербнинг айрим элементларини белгилаш чоғида Болгариянинг тарихий ўтмиши унинг мустақиллиги ва суверенитети эътиборга олиниши лозим.

● ПРАГА. Брно шаҳрида ташкил этилган «МБНС» «Чехословакия—Совет қўшма корхонасининг фаолияти амалий ва ўзаро манфаатли шерикчиликнинг яхши намунасидир. «МБНС» кенгайтирилган ҳолда «Москва — Брно — Новочеркасск — ҳамкорлик» деган маънони билдиради. Корхона бир йилда қарийб 1,9 миллиард крона миқдорида маҳсулот ишлаб чиқаради. Булар электр станциялари, кимё ва нефть кимёси саноати учун ускуналардир. Қўшма корхона директори Франтишек Навратилнинг фикрича, бевосита ҳамкорлик «МБНС»ни 5-10 йил олдиндан барқарор буюртмалар билан таъминлайди. Брно машинасозлари ўзлари ишлаб чиқарган ускуналар ўрнатилган Совет Иттифоқидаги яна 50 та завод билан кооперация асосида ҳамкорлик қилишни мўлжалламоқда. Ҳозирги вақтда 15 та совет корхонаси ҳамкорликка рози бўлди.

● САН—ФРАНЦИСКО. Нефтга бой Форс кўрфази минтақасидаги танглик муносабати билан АҚШда нефть ва нефть маҳсулотлари нархининг жадал қимматлашуви мазкур шароитдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётган нефть концернларининг чайқовчилик билан шуғулланишларига имкон яратмоқда. Эн-би-си телекомпанияси буни шарҳлар экан, энг аввало қаллоблар Америка авиакомпанияларига ёқилғини қиммат нархда сотаётганликларини таъкидлайди.

(СИТА).

КЕЛГУСИ ЙИЛ ОҒИР КЕЛАДИ

БУДАПЕШТ. (СИТА мухбири Андрей Куклин). Бу йил Венгрия иқтисодиёти учун осон бўлмади, бироқ келгуси йил янада қийинроқ бўлади — Венгрия мутахассисларининг мамлакат хўжалигини 1991 йилда ривожлантириш тўғрисидаги фаразларини шундай таърифлаш мумкин.


Венгрия иқтисодий тадқиқотлар илмгоҳининг бу ерда тарқатилган маълумотномасида ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг пасайиши, аҳоли реал даромадларининг камайиши, пулнинг қадрсизланиши ва ишсизлик ошиши тахмин қилинмоқда. Илмгоҳ мутахассисларининг фикрича, 1990 йил охирига бориб, пулнинг қадрсизланиш даражаси 28-29 фоизга етади, бу эса мамлакатда ижтимоий-иқтисодий кескинликнинг кучайишига олиб боради.

Ўз навбатида молия вазири Ф. Рабар чоршанба куни журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, Венгрияни оғир йил кутмоқда ва иқтисодиёт келгусида ҳам соғлом бўлиб қолиши, мамлакатнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш учун аҳолига анча қийинчиликларни бошидан кечиришига тўғри келади, деб таъкидлади. У келгуси йил бошида Венгрияда нархлар анча оширилади, деб огоҳлантирди. Вазир чамаси 1991 йилда мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулоти 5 фоиз қисқаришини ва форинтнинг қиймати долларга нисбатан олганда пасайишини айтди.

Ф. Рабар мамлакат олдида турган энг муҳим вазифалар сифатида бозор иқтисодиётига ўтишни, четдан мол келтиришни осонлаштириш тадбирларини тугаллашни, форинтни барқарорлаштиришни ва қисман эркин алмаштириладиган форинтни жорий этишни таъминлашни, шунингдек, аҳоли истеъмолини янада чеклашни айтди. Ҳукумат икки асосий вазифани ҳал этиши: ташқи қарз ўсиши жараёнини ва пул қадрсизланишининг мунтазам ўсиб бораётган суръатларини тўхтатиши зарур, деб таъкидлади у.







Форс кўрфазида ҳамон ташвишли ҳолат

«Комсомольская правда» рўзномасининг махсус сувраткаши Сергей Кузнецов бир неча кун Ироқда бўлиб қайтди. У Форс кўрфази минтақасида вазиятнинг ниҳоятда қалтис бўлиб турганлиги, Ироқ ўзининг олдиндан белгилаб қўйган режасидан қайтмаётганлигини ўз кўзи билан кўриб қайтди.

Дарҳақиқат, дунёнинг ана шу бурчагидаги аҳвол ҳамон ташвишли. Ахборот агентликлар Ироқнинг қатъий қарорини ва шу вазиятни барқарорлаштириш учун бошқа давлатлар, биринчи навбатда СССР билан АҚШнинг тутаётган йўлини муттасил ёритиб бормоқдалар.

Мана қўлимизда сўнгги хабарлар:

«Ироқ ўз қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетмоқчи эмаслигини яна бир бор тасдиқлади. Ироқ Ахборот ва маданият вазирлигининг вакили чоршанба куни Ина миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда «Қувайт вилояти»га Ироқнинг ёндашуви ҳам, шу йил 8 августда эълон қилинган мамлакат «Абадий яхлитлиги» ҳам ўзгармаганлигини таъкидлади.

АҚШ Ироқ қўшинларининг босиб олинган Қувайт ҳудудидан тўла олиб чиқиб кетилиши учун қатъий ҳаракат қилавериш ниятида, деб таъкидлади АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер кеча сенатнинг хорижий ишлар қўмитасида сўзлаган нутқида. Комитет раисининг айтишича, бу мажлиснинг ўтказилишига «Кўпгина америкаликлар АҚШ тез орада Форс кўрфази минтақасида урушда қатнашиши мумкинлигидан жиддий ташвишланаётганликлари» сабаб бўлди. АҚШ стратегияси, деб уқтирди шу муносабат билан Ж. Бейкер, «Ироқни сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда яккалаб қўйиш»дан иборатдир. У БМТ хавфсизлик кенгаши Ироқнинг Қувайтга қарши босқинчилигига нисбатан умумий халқаро муносабатни ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутганини таъкидлади. «Биз СССР билан сезиларли ҳамкорликка эришишга муваффақ бўлдик», — деб таъкидлади Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг бошлиғи Ж. Бейкер ССЖИнинг «БМТ хавфсизлик кенгаши белгилаган мақсадларни қўллаб-қувватлашда давом этаётгани»ни таъкидлади...»

АҚШ давлат котибининг вазмин баёнотига қарамай. Америка маъмурияти Форс кўрфазидаги можарони ҳарбий йўл билан ҳал этишга мойиллиги тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. «Вашингтон интервенция учун йўл очмоқда», — Францияда чиқадиган «Либерасьон» рўзномасининг ана шундай сарлавҳа остида хабар қилишича, Америка маъмурияти чет элдан ташриф буюрган бир қанча кишиларга Форс кўрфазида операция ўтказиш учун 15 ноябрдан 15 январгача бўлган давр энг қулай эканлигига шама қилган. Бу вақтга келиб Америка экспедицион корпуси бекаму кўст ҳамда чўл шароитларида уруш олиб боришга тайёр бўлади. Шу билан бирга, деб ёзади «Либерасьон» рўзномаси, Вашингтонда таъкидлашларича, бу ҳарбий ҳаракатлар муқаррар эканлигини билдирмайди.

Кўриб турибсизки, вазият тобора чигаллашиб бормоқда. Бутун араб дунёси халқи ташвишда — уруш ҳолатида турибди.

Бугун сиз С. Кузнецовнинг «Ёш ленинчи» рўзномаси учун махсус тайёрлаган бир туркум сувратлари билан танишасиз.



РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«ЖОНЛИ» ТУЛУМ

● АҚШ тиббиёт олий илмгоҳи тиш табиблари куллиётининг талабалари назарий билимларини «жон»ли тулум (чучело)да синаб кўрадилар. Тулум фақат бошчадан иборат бўлиб, «нерв тўқималари» билан таъминланган. Шунингдек, ҳақиқий ҳажмдаги сунъий кўз, бурун ва тишлари ҳам бор.

Амалий машғулотда талаба бор машинадан эҳтиётсизлик билан фойдаланса, яъни оғриган тишга пармани қаттиқроқ ботириб юборса, робот қаттиқ «инграйди» ва шу заҳоти «қон» (қизил сиёҳ) сизиб чиқади. Агар талаба «тил»га укол қилса, дарҳол жағ ёпилади ва кўздан «ёш» оқади.

Бундан ташқари талабалар ясама тишлар қўйишни ҳам шу тулумда синаб кўришади.

САЛКАМ 3 КИЛОМЕТРЛИ КИТОБ

● БОГОТА шаҳрида яшовчи банк хизматчиси 43 ёшли Эдгар Медина нашриёт ишларида ўзига хос рекорд ўрнатди. У ўзининг ватандоши Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликда юз йил» китобини эни 3,5 сантиметр келадиган қоғозга кўчириб чиқди. Шунда бу китоб 2891 метр узунликдаги қоғозга жо бўлди. Бу антиқа китоб ҳозирча ягона нусхада. Эдгарнинг нияти шу иш сабаб «Гиннеснинг рекордлар китоби»га ўз номини тиркаш.

БОЛАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН

● АМЕРИКА дўконларида боғча ёшидаги болаларга мўлжалланган «Литл оперейтор» деб номланган телефонлар сотувга чиқарилди. «Плескул электроникс» фирмаси ишлаб чиқарган бу телефонларга одатдаги рақамли диск ўрнига, ҳар хил рангли расмлар — полициячининг, олов, тез тиббий ёрдам машинаси ва бошқа суратлар чизилган йирик тугмалар ўрнатилган. Бола керакли расмли тугмачани босса бас, ўша заҳоти алоқа боғланади.

Бу телефонлар фавқулодда ҳолатларда болаларга асқотади.



«Бобурнома» асарининг 460 йиллигига

Мирза КАРИМ

БОБУР НИДОЛАРИ

Дилим пора бўлди, иқболим нигун,
Ёй, қилич, балолар синди бошимда.
Ўзимнинг уйимга сиғмадим бугун
Юртимдан айрилдим йигит ёшимда.

Ўқ отди тоғойим, ўқ отди иним,
Ҳаловат топмадим еган ошимда.
Паноҳ излаб ўзга юртга отландим
Юртимдан айрилдим йигит ёшимда.

* * *

Саргардонман, нетай сарсонман,
Ўз юртимнинг оворасида.
Карахт бўлдим қилич зарбидан
Андижоннинг остонасида.

Ур-ҳо, ур деб ҳайдади мени
Яра этди юртпараст дилим,
Ғанимларга очди қалъани
Жондан азиз кўрган шу элим.

* * *

Бу — Андижон, Ўш, Поп қўрғони,
Косону Санг, Марғинон мана.
Қайга борай, борми имкони
Қай бир қўрғон берар бошпана.

Юрдим сарсон подшоҳ номила,
Ўз юртимга бўлиб интизор.
Бошим олиб надомат ила
Тупроғимдан кетдим хору-зор.

* * *

Одил бўл, одам бўл, сеники галинг,
Эл йиғласа йиғла, суюнса суюн.
Саломат бўлса гар, тўртов мучалинг,
Она юртга қайтгил, ўғлим, Ҳумоюн.

Дунё меникидур Ҳиндистон қадар,
Лек Мавороуннаҳрда айланур қуюн.
Едингда тутгилки, сўнг сўзин падар
Ота юртга қайтгил, ўғлим, Ҳумоюн.

* * *

Мавруди келарки тўлар паймонам,
Дунёи азимга йўл олар ҳамон.
Зарбоф кафанларга ўрамангиз ҳам,
Майли сақламангиз минг йиллар томон.

Фақат ўтинчим бор — бу сўнгги сўзим
Юрт остонасига қўйинг узатиб.
Туркона элимнинг жангари сўзин
Дарё ёқасидан турай кузатиб.

* * *

Ўн иккимда шоҳ бўлдим,
сахрою тоғлар ошдим.
Андижону Самарқанд
йўлларида адашдим.
Гоҳ қувондим, ўртандим,
гоҳида ёндим, шошдим,
Мен — Заҳириддин
Муҳаммад Бобур.

Бир қўлимда қаламу,
бирида қилич тутдим.
Урушдим, мағлуб бўлдим,
ютдиму ғазал битдим.
Юртим дея сарғайдим,
бу йўлда гадо ўтдим.
Мен — Заҳириддин
Муҳаммад Бобур.

* * *

Бу ер гулзор бўлсин, бу жой эса боғ.
Олмаю анорлар ўссин гуркираб,
Амири қовунлар босганда чанқоқ,
Нашвати шарбати оқсин ярқираб.

Андижон, Самарқанд, Ахси нафаси,
Ўзга бир диёрда уфурса ҳам чин.
На гулзор чиройи, на боғнинг саси,
Босолмас Ватаннинг ўша соғинчин.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

«ДИЛРАБО»

Жумҳурият Ленин комсомоли мукофотига номзодлар орасида Сирдарё вилояти Янгиер ноҳияси «Ленинград» давлат хўжалигидаги С. М. Киров номидаги 21-ўрта мактабнинг «Дилрабо» болалар ашула ва рақс халқ дастасини учратганимда, очиғи «нима керак бор шу расмиятчиликни», деб ўйладим. Ахир жумҳуриятда қанча мактаб бўлса, ўшанча мактаб дасталари мавжуд ва улар асосан юқоридан келган комиссияларга «биз болаларнинг санъатга бўлган қизиқишларини ўстиряпмиз», дейиш ёки ўша даста раҳбарига маош бериб туриш учун номигагина ташкил этилади-ку, деган хаёлга бордим. Ҳақиқатан ҳам саноқли мактаблардаги дасталарни истисно этсак, қолганлари «номига» эмасми? Агар ҳамма мактабларнинг дасталари «расман» эмас, дилдан ишлаганида, бугунга келиб бизнинг санъатни тушунишимиз бу даражада қашшоқлашиб кетмаган бўларди! Ахир бугун биз «Муножот»ни эшитганда зерикишимиз, «Насруллойи»ни тушунмаслигимиз, «Фиғонким»нинг фиғонларини ҳис этмаслигимиз, яшириб бўлмас ҳақиқат-ку! Ана шундай фикрлар натижаси ўлароқ, даста фаолияти билан танишишга жазм этдим...

Лекин «Дилрабо»га тегишли илк ҳужжатлар қўлимга тегиши билан сездимки, уни «расмий»лар сафига қўшиб бўлмайди. Даста 1970 йил январида ташкил этилган бўлишига қарамасдан, ўша йилнинг ўзидан бошлаб ноҳия мактаблари орасида ўтказиладиган «Санъат байрами» кўригининг ғолиби бўлган ва ғолибликни шу кунгача қўлдан бермаган. 1977 йилдан бошлаб эса вилоятда ўтказиладиган кўрик-конкурсларда ғолиблик шоҳсупасига чиққан. 1978 йилда жумҳурият ойнаи-жаҳонида кетма-кет чиқишлар қилган ва ўша йили ЎзССЖ Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган «Бахтли болалик» жумҳурият кўрик-конкурсида Сирдарё вилояти шарафини ҳимоя қилиб, 2-ўринни эгаллашга эришган.

Дастанинг 80-йиллардаги фаолияти бевосита жумҳурият даражасига кўтарилади. Узлуксиз равишда жумҳурият «Санъат байрами» кўрик-конкурси ғолиблари сафидан ўрин олиб келади. 1982 йилда «Даврамизга марҳабо» телефестивалида иштирок этиб, лауреат бўлган бўлса, кейинги йили Елена Стемпковская номидаги Сирдарё вилоят комсомол мукофотига сазовор бўлади. Даста жамоасини бу ютуқлар қониқтирмайди. Улар 1985 йилга келиб Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Бутуниттифоқ миқёсида ўтказилган «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» кўригида иштирок этиб, Бутуниттифоқ ташкилий қўмитасининг дипломи ҳамда ССЖИ кичик театрларининг махсус дипломи билан тақдирланади...

Демак, даста жумҳурият Ленин комсомоли мукофотига номзодликка лойиқ, деган фикр уйғонгандан кейингина, даста раҳбарлари билан учрашишга қарор қилдим.

— «Дилрабо»нинг бу даражага кўтарилиши осон кечмаган, — дейди — дастанинг бадий раҳбари Баҳром ака Мансуров. — Даста ҳақида гап кетганда энг аввало директоримиз ССЖИ Халқ маорифи аълочиси Баҳодир ака Розиқовнинг хизматларини эслаш лозим. Сиз тўғри тушунинг, бу Баҳодир аканинг директор бўлганлиги учун эмас, балки дастани астойдил севгани, қўллаб-қувватлагани учун. Чунки биз истаймизми, истамаймизми жуда кўп нарса раҳбарларга боғлиқ. Айниқса, бундан беш-ўн йил олдин ҳамма «замонавийликка» интилиб турган бир маҳалда, дастани миллийлаштиришга интилиш, ўқувчиларга классик рақс ва қўшиқларни ўргатиш учун, бизга классикани тушунадиган, севадиган раҳбар зарур эди...

Баҳром ака даста ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, 1987 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ II халқ талантлари фестивалида «Дилрабо»нинг беш иштирокчиси қатнашганини ва улар мазкур фестиваль лауреатлиги нишонларини қўлга киритганлигини фахр билан ҳикоя қилади. Яна ўша йили ЎзССЖ Маданият вазирлигининг қарори билан «Дилрабо» болалар дастасига, «Халқ ҳаваскорлик дастаси» унвони берилганини таъкидлайди. Амалдаги йилда даста РСФСРнинг Удмуртия Мухтор жумҳуриятида П. И. Чайковскийнинг 150 йиллик таваллуди муносабати билан ташкил этилган Бутуниттифоқ «Мусиқавий бойчечак» фестивалида қатнашиб лауреат бўлиб қайтди. Ойнаи жаҳоннинг марказий каналидан «Дилрабо» ашула ва рақс халқ дастасининг концерт программаси намойиш этилди...

Даста мактабга боғлиқ бўлгани учун, унинг жамоасига ҳар йили ўзгариб туради. Кимдир мактабни тугатиб ўчирма бўлади, кимдир жамоага янги аъзо бўлиб қўшилади. Дастанинг бугунги кунги қобилиятли аъзолари ҳақидаги саволимга Баҳром ака шундай жавоб берди.

— Биласизми, халқимизда талантлар шу даражада кўпки, у ҳеч қачон тугамайди. Фақат биз бир нарсага эътибор бермаймиз, иқтидор — ҳамиша тарбияга муҳтож бўлади. Дастамизни шундай ютуқларга эришишига ҳисса қўшган қанчадан-қанча йигит қизларимиз мактабни тугатгач, бошқа соҳага ўтиб кетишди...

Қобилиятли ёшларимиз аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Дастанинг бугунги аъзоларидан, ҳам рақҳоса, ҳам хонанда қизимиз Барно Соатованинг «Шитоб айлаб», «Муножот» қўшиқларини бир эшитган тингловчи сел бўлади. Ҳусанжон Ҳошимовнинг «Кичкина бола, кичкина» рақси, Ойдин Розиқованинг «Онажон», «Алла» қўшиқлари санъатга нисбатан энг лоқайд одамнинг ҳам юрагини жизиллатиб юборади...

Баҳром аканинг иқтидорлар тарбияси ҳақидаги фикрлари керакли ташкилотлар учун туртки бўлар. Ҳозирча эса биз, «Дилрабо»нинг мукофот соҳиби бўлишига ва бундан кейинги парвози янада юксакроқ кечишига тилакдош бўлиб қоламиз.

Дилшод ШОМУРОДОВ.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ДАВР ҚОМУСИ

Ўзбекистон жумҳурияти ҳукумати буюк аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасининг ёрқин рамзи бўлган «Бобурнома» ёдномаси ёзиб тугалланганлигининг 460 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш мақсадида махсус қарор қабул қилди.

Шу мақсадда, бу қарордан илҳомланган ҳолда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бир қанча режалар амалга оширилди. Хусусан, мактаб, олий ўқув юрти ва жойларда адабий учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, юртдошимиз ҳаёти ва ижодини ўзида акс эттирган алоҳида кўргазма қайта таъмирланиб, янгидан-янги материаллар билан бойитилди.

Шу ўринда махсус жиҳозланган «Бобур кўргазмаси»дан талайгина санъат асарлари муносиб ўрин эгаллаганини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, таниқли қилқалам соҳиби М. Воронский «Бобурнома» асарига ишланган 96 та миниатюрадан бир нечтасини асл нусхадан маҳорат билан қоғозга катталаштириб, нусха кўчирган. Ҳозирча, заҳматли меҳнат маҳсули бўлган, жозибали ишлардан энг охиргиси томошабин ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Бобур кўргазмасига унинг салобатли ҳайкали файз киритиб турибди. Бу ҳайкал 1968 йилда А. П. Гришченко томонидан яратилган. Тантанали кунлар арафасида бу санъат асари ҳам таъмирдан чиқарилиб, унга қайта ҳаёт бағишланди. Асарда буюк куч-қудратга тўла, мустаҳкам иродали, жасур ва довюрак, айни пайтда, руҳий дунёси бой, юмшоқ нигоҳли дилбар инсон сиймоси кўзга ташланиб турибди.

Кўргазмадан жой олган санъат асарлари ҳақида гап борар экан, куни-кеча бу ердан ўрин эгаллаган рассом В. Нечаевнинг «Бобур жангда» номли мой бўёқда яратилган улкан асарини эсламай илож йўқ. Чунки, Бобур яшаган мураккаб давр ҳақида тўлароқ маълумот беришда шу каби асарларнинг хизмати беқиёс. Зеро, томошабин бу асар орқали шоҳ Бобур ва ижодкор Бобур ҳаётига оид маълумотларни билиб олади асар билан юзлашиб, оз фурсат бўлса-да, мозийга хаёлан саёҳат қилади.

Хонанинг марказида эса, мухлисларни ўзига ром этувчи гўзал санъат намунаси — «Бобур» (1974) сиймоси диққатни ўзига жалб этиб турибди. Бобурнинг XVI асрда Ҳиндистонда ишланган сиймоси асосида турли хил рангли ип ва ипакларда тикилган жозибали, нозик дид билан бажарилган бу ишда, илм-фаннинг турли соҳаларига оид қимматли асар «Бобурнома» яратган, истеъдодли ижодкор қиёфаси тўлақонли акс эттирилган. Асарни ЎзССЖ халқ рассоми Фазилат Сайдалиева поёнига етказиб яратган.

Шунингдек, кўргазмада Ҳиндистонда ишланган «Бобур сиймоси» миниатюрасидан нусха, истеъдодли кандакор Омон Азизов томонидан мисга ўйиб ишланган «Бобур» асари, рассом П. Воронкин, ёзувчи П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романига ишлаган рангли расмлар ва бошқа материаллар намойиш этилмоқда.

Айниқса, адабий меросимиз жонкуяри профессор Ҳамид Сулаймоннинг илмий раҳбарлиги ва кўрсатмалари асосида, рассом М. Воронский ишлаган «Бобур авлодлари» номли йирик санъат асари адабиёт ихлосмандларига манзур бўлади, деб ўйлаймиз. Машҳур мусаввир Мир Саид Али томонидан 1550—1570 йилларда яратилган бу нафис асарга М. Воронский ижодий ёндашиб, уни қайтадан тиклаган. Асарда 46 та сиймо аниқ ўз аксини топган бўлиб, Бобур авлодларининг бу кўринишлари жуда маҳорат билан, ёрқин бўёқларда қоғозга кўчиб, мангуликка муҳрланган. Шуниси диққатга лойиқки, асарда 46 та сиймонинг кимлиги чиройли қилиб ёзиб ҳам қўйилган.

Бобур мерос қилиб қолдирган асарлар жаҳон фани ва адабиётига қўшилган бебаҳо ҳиссадир. Айниқса, «Бобурнома» Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари маданияти, адабиёти ҳамда тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Асар содда ва равон тилда ёзилган бўлиб, унда 1494—1529 йиллардаги тарихий воқеалар, маданий ҳаётнинг турли соҳалари ўз ифодасини топган. Бобур меросининг мухлислари бу ерда мемуар асарнинг П. Шамсиев ва С. Мирзаев томонидан нашрга тайёрланган нусхаси билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

«Бобурнома» асари ва унинг нашрлари ҳақида фикр билдирганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асар кўплаб чет эл тилларида босмадан чиққан. Унинг довруғи бутун оламга ёйилган. Инглиз, ҳинд, афғон, турк, француз олимлари асар ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориб, катта-катта рисола ва монографиялар ёзганлар. «Бобур кўргазмаси»дан айрим чет эллик олимларнинг Бобур ҳаёти ва ижоди борасидаги изланишларига ҳам кенг ўрин берилган. Бу материаллар ҳозирги томошабин учун тамомила янгилик. Чунки, ҳозиргача фақат айрим мутахассисларгагина маълум бўлган бу китобларнинг айримлари суратга олинган нусхаси кўпчилик эътиборига биринчи маротаба ҳавола этилмоқда.

Хусусан, Жан-Поль Руннинг «Буюк мўғул Бобурнинг тарихи» асари (Париж, 1986, 417 бет), Фернанд Гренарднинг «Бобур Ҳиндистон империясининг асосчиси» (Париж, 1930, 179 бет), Ф. Г. Талботнинг «Бобурнома»дан қисқартирилган таржимаси (Ҳиндистон, 1968), Р. М. Калдекот таржимаси (Лондон, 1845), В. Эрскин таржимаси (Лондон, 1826), А. С. Беверидж таржимаси (Лондон, 1921), Л. Кинг таҳрири остида 1921 йили Лондонда нашр этилган «Бобурнома» шулар жумласидандир.

Шу ўринда заҳматкаш олим Ҳ. Сулаймоннинг жиддий меҳнатларининг маҳсули бўлган «Бобурнома» расмлари альбомидаги рангли миниатюралар кўргазмани янада бойитганини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Бу миниатюралар XVI асрда ҳинд рассомлари томонидан ишланган бўлиб, ҳинд рассомчилик санъатининг мўъжизалари, деб ҳисобланган. Мазкур миниатюралар Темурийлар даврида Ҳирот, Самарқанд, Табриз ва Шерозда тараққий этган рассомлик санъати анъаналарининг Ҳиндистонда ижодий ўзлаштирилиб, янги камолат босқичига кўтарилганидан далолатдир. Бу миниатюралар XVI асрда Бобурнинг набираси Акбар саройида яратилган.

Бир сўз билан айтганда, биз адабиёт музейидаги «Бобур кўргазмаси» ҳақида мухтасар ҳикоя қилдик. Сўзимизни Ҳиндистоннинг машҳур давлат ва сиёсат арбоби Жавоҳарлаъл Неруннинг қуйидаги фикри билан якунламоқчимиз: «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди». Ҳа, ҳозирги мафкуравий ҳаётимизда қайта қуришнинг кенг қулоч ёйиши муносабати билан маънавий покланиш даврида бу баҳо биз учун ниҳоятда қимматлидир.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи раҳбари.

Пойтахтнинг Фрунзе ноҳиясидаги 323-болалар боғчасида 350 нафар кичкинтой тарбияланади. Одатда, жажжилар боғчага хархаша қилиб боришади. Бироқ, бу ерда бундай ҳолни учратмайсиз.

— Тарбиячиларимиз болаларни эрталабдан хуш кайфият билан қарши олишади, — дейди боғча мудираси Любовь Дмитриевна Тиховод. — Машғулотлар режа асосида ўтилади.

Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб боғчада ўзбек тилини ўргатиш бўйича сабоқлар олиб борилмоқда. Давлат тилини ўрганиш истагида бўлган ота-оналар пуллик курсларда таҳсил олишяпти.

Яқинда мазкур маскан ноҳия бўйича ўтказилган болалар боғчалари кўригида ғолиб бўлди.

* * *

СУРАТЛАРДА: кичкинтойлар билан машғулотни тарбиячи-методист Нина Ильинична Белова олиб бормоқда.

Сураткаш
Муҳаммад АМИН.





Ҳодиса

РЭКЕТЧИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Жисмоний жиҳатдан фавқулодда бақувват бўлган турт омсклик йигит буни амалда синовдан ўтказишга уриниб кўришди. Маълум бўлдики, бировларнинг пулини мажбурлаб олиш — нафақат бош оғриғи бўлмай, балки саломатлик учун ҳам хатарлидир: қўлга олиш чоғида улардан уч киши яраланди.

...Омск шаҳар Куйбишев ноҳия ички ишлар бўлимидагиларга бу операцияга ҳозирлик кўриш учун деярли вақт қолмаганди. Бу ерда юз бераётган қаллоблик тўғрисида Ўрта Осиёдан келиб, тарвуз сотаётган сотувчилардан тушган аризага кўра, ўзбилармон солиқ йиғувчилар билан учрашув бўладиган жойни ўраб олишгагина зўрға улгуришди. Иғвогарлар «Волга»да келишди, бироқ хавф-хатарни сезиб, шу заҳотиёқ ортга қайтишди. Бундан буёнги воқеалар худди саргузашт кинолардагидек кечди. Изма-из қувиш, тормозларнинг чинқириғи, отишмалар. Жиноят қидирув ходимлари лейтенантлар Г. Галоян ва М. Слободенюкнинг сигналларига жавобан рэкетчилар тезликни оширдилар холос. Ва натижада «Волга» трамвай билан тўқнашиб кетди, чорраҳада эса «Запорожец»га бориб урилди. Бундан буёнги пойга оқибатини олдиндан айтиш қийин бўлиб қолган эди. Изқуварлар аввал огоҳлантирувчи, сўнгра мўлжалга қараб ўқ узишга мажбур бўлишди. Ўқ теккан қоплама ғилдиракдан бўғиқ овоз чиқди, рэкетчилардан бирининг фарёди эшитилди. Икки рэкетчи машинада қўлга олинди. Қолган иккитаси дуч келган биринчи уйга ўзини урди.

Ўнлаб шаҳарликлар қўрқув ва ғазаб устида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган даражада қутурган рэкетчилар билан уларнинг таъқибчилари ўртасидаги олишувга бевосита гувоҳ бўлдилар. Икки ёш изқувар қандай қилиб балконлар оша қароқчилар томон бораётганини тин олмай кузатишди. улар. Рэкетчилардан бири қўлига тушиб қолган тошни энди отмоқчи бўлиб, иккинчиси эса каратэ усулларини қўллашга шайланган пайтда, ҳал қилувчи ўқ овозлари эшитилди.

Н. КУТОРГИН,
(«Рабочая трибуна», 1990 йил 19 октябрь).

ТВ

21 ОКТЯБРЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома», (такрор.).

* * *

9.00 «Фил йўқолди». Бадиий фильм («Центрнаучфильм»). 10.15 ЎзТВ жавониндан. «Имон». Видеоспектакль. 12.15 «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит». 12.55 «Дўстлик» программаси. «Ягона оилада». 13.55 «Матонатли кишилар». 14.40 «Мулоҳаза». Жумҳурият ашула ва рақс ансамбллари кўригининг якунлари. 16.10 «Алифбо сабоқлари».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Бокс. С. Жаксон хотира соврини учун Бутуниттифоқ турнир. 18.50 «Мультипанорама». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тилимиз — бизнинг дилимиз». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Тилимиз — бизнинг дилимиз». Бадиий-мусиқий кўрсатувнинг давоми. 21.20 Тижорат хабарлари. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». 23.00 «Қора ўқ». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Мўъжиза-алифбо». 10.50 «Саховат улашиб. Мусиқа сабоқлари». Фильм-концерт. 11.55 «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

18.10 Кўрсатувлар тартиби. 18.15 «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм (рус тилида). 19.40 «Хотира». Сайдали ВаЛизода таваллудининг 90 йиллигига. 20.30 «Ҳафта». Информацион кўрсатув. 21.00 «Гулчин». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Таронаҳои Фарҳоди дарё». 23.20 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 II Бутуниттифоқ Рерих учрашувлари. Челябинскдан кўрсатилади. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Здоровье». 13.45 «Мусиқий киоска». 14.15 Аэробика. Кўрсатувни Америка актрисаси Джейн Фонда олиб боради. 15.15 «Маримба Понес» болалар ансамблининг чиқиши (Япония). 15.45 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Вук». Мультфильм (Венгрия). 17.15 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 18.30 Мультфильм. 18.45 «Чилпарчин». Телевизион спектакль премьераси. А. Аверченко ҳикоялари асосида. 20.25 1990 йил қўшиқлари. 21.30 «Вақт». 22.00 «Оддий ва мангулик ҳақида». 22.15 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 5 ва 6-сериялар (Буюк Британия). 23.05 «А» программаси.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.50 Мультфильмлар: «Эртак айтиб беринг, доктор», 1, 2 ва 3-фильмлар. 9.30 «Верегиня» украин қўшиқлари студиясининг концерти. Киевдан кўрсатилади. 9.55 «Она-замин ташвишида» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар: «Айтиб адоғига етиб бўлмайди» (Киев), «Ўрмоннинг яратилиши» (Уфа). 10.35 Рақсга таклиф. Фортепьяно. куйларидан концерт. РСФСР халқ артисти Н. Петров ижро этади. 11.15 «Ойдаралик яккаҳоким». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ёнғоқ дарахтини асраб қолиш ҳақида (Ашхобод). 11.25 «Объектив». 12.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.05 «Земляника мамлакатининг сири». Мультфильм. 13.25 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Ю. Белянкин фильмлари. «Георгий Свиридов» («Экран»). 14.25 Коллаж. 14.30 Волейбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Венесуэла — СССР терма командалари. Бразилиядан кўрсатилади.

15.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

«Замондас» кўрсатуви

17.30 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «ТФ» студияси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фил Хортон», 2-қисм. 20.45 «ТФ» студияси. 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан).

* * *

23.00 «ТФ» студияси. 01.00 «Ялта-90» автораллиси.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» — орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28599.